

ХАКИМОВА Нигора Алишеровна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси ўқитувчиси

«МАҲОСИН» АСАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

HUMAN RIGHTS ISSUES IN THE WORK “MAHASIN”

ВОПРОСЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В ПРОИЗВЕДЕНИИ «МАХАСИН»

Аннотация. Мазкур мақола Абу Бакр Қаффол Шошийнинг «Маҳосин» асари асосида инсон ҳуқуқларига оид фикҳий қарашларнинг илмий таҳлилига бағишланади. Мақолада шариатнинг асосий мақсади аллома фикрига кўра адолат, инсон қадр-қиммати, ирода эркинлиги, бағрикенглик, поклик, инсонларнинг ўзаро бир-бирини қўллаб қувватлаши ва ижтимоий ҳамкорлик каби илоҳий ғоялар ва маънавий тушунчалар экани очиб берилади.

Калим сўзлар: усул ал-фикҳ, Маҳосин ал-шариа, Қаффол Шоший, инсон ҳуқуқлари, шофеий фикҳи, шариат мақсадлари

Abstract. This article is devoted to the scientific analysis of jurisprudential views of Abu Bakr al-Qaffal al-Shashi on human rights in the work “Mahasin”. In the article, it is revealed that the main goal of Sharia, according to the scholar, is divine ideas and spiritual concepts such as justice, human dignity, free will, tolerance, purity, and social cooperation.

Keywords: usul al-fiqh, Mahasin al-Sharia, al-Qaffal al-Shashi, human rights, Shafi'i fiqh, goals of Shari'a.

Аннотация. Данная статья посвящена научному анализу правоведческих взглядов Абу Бакра Каффала Шаши о правах человека в книге «Махасин». В статье раскрывается, что основной целью шариата, по мнению ученого, являются божественные идеи и духовные понятия, такие как справедливость, человеческое достоинство, свободная воля, терпимость, чистота и общественное сотрудничество.

Ключевые слова: усул аль-фикх, Махасин аш-шариа, Каффал Шаши, права человека, шафиитский фикх, цели шариата

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси имзолаган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлиб, давлатимиз конституциясида мана шу декларацияда назарда тутилган асосий тамойиллар ўз аксини топган. Халқимизнинг ижтимоий муносабатларга оид бой маънавий мероси ва унда инсон ҳуқуқлари борасидаги қарашлари эса бир неча асрларни ўз ичига олади. Абу Бакр Қаффол Шошийнинг «Маҳосин» асарини таҳлил қилиш натижасида инсон ҳуқуқларига оид фикҳий қарашларига илмий асосда баҳо бериш мумкин.

Аллома шариатнинг асосий мақсади адолат, инсон қадр-қиммати, ирода эркинлиги, бағрикенглик, поклик, инсонларнинг ўзаро бир-бирини қўллаб қувватлаши ва ижтимоий ҳамкорлик каби илоҳий ғоялар ва маънавий тушунчаларни англатишини таъкидлайди. Ислом ҳуқуқи эса ана шу мақсад ва тушунчалар устига барпо этилган. Шундай экан, улар ислом ҳуқуқи ҳамда бугунги кундаги инсон ҳуқуқлари, тараққиёт ва маданият ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради [4:25].

Ислом ҳуқуқи асосларини тадқиқ қилиш мусулмон жамиятларида тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари туташадиган нуқтани очиб беради. Фикҳни тўғри тушунишнинг асоси сифатида шариат мақсадлари ислом ҳуқуқидаги янги қарашлар учун асос бўлади. Қаффол Шоший фикрига кўра, ваҳийнинг асосий мақсади ер юзида «фозил сиёсат»га мувофиқ ижтимоий адолатни таъминлашдир [3:19]. Ушбу адолат инсоннинг бу дунёда ва у дунёдаги бахт-саодати учун зарур бўлган барча турдаги яхшилик ва фойдаларни ўз ичига олган инсон манфаати орқали таъминланади. Аллома барча шариатлар мавжуд бўлишининг умумий сабаби «маслаҳа» – инсон манфаати эканини қатъий тарзда таъкидлайди [7:56].


АСОСИЙ ҚИСМ

Тадқиқот давомида шариатга кўра инсон ҳуқуқининг ҳимояси уч босқичда амалга ошири аниқланди. Улар инсон ҳаётидаги зарурий ва бирламчи тушунчаларни белгиловчи «заруриёт»

(الضروريات), унинг эҳтиёжларини акс эттирувчи «ҳожият» (الحاجيات) ва фаровонлиги билан боғлиқ ҳолатларни ифодаловчи «тахсиниёт» (التحسينيات) даражалари ҳисобланади. Имом Шотибийнинг «Мувафқот» асарида келтирилган фикрларига кўра, бу даражаларнинг иерархияси ўзаро боғлиқ бўлиб, бири-иккинчисини тўлдиради [6:23]. Унинг фикрига кўра ҳар бир даража ўзидан қуйи турган даражага хизмат қилади. Масалан, «ҳожият» даражасида бўлган никоҳ ва савдо муносабатлари «заруриёт» даражасидаги инсон ҳуқуқлари ҳисобланган мол-мулк ва наслни ҳимоя қилишга хизмат қилади. Агар бу даражаларнинг бирида маълум ижтимоий муносабатларининг камайиб кетиши уни ўзидан бир поғона юқоридаги даражага кўтаради. Масалан, савдо-сотиқнинг глобал миқёсда касодга учраши (молиявий инқироз даврида), савдони «ҳожият» даражасидан «заруриёт» даражасига кўчиради. Шунинг учун ҳам, баъзи ҳуқуқшунослар заруратларни яхлит бир тизим сифатида эмас, балки бири-иккинчисини тўлдирадиган цикл сифатида эътироф этадилар [4:5].

«Заруриёт» даражасида инсон ҳуқуқлари шахсни марказга қўйган ҳолда кўриб чиқилади. Барча мазҳаб уламоларининг яқдил фикрига кўра, мазкур даражада инсоннинг дини, жони, моли, ақли ва насли ҳимоя қилинади. Баъзи уламолар бу рўйхатни давом эттириб, шариат инсон шаънини ҳам зарурат даражасида ҳимоя қилади деб ҳисоблайдилар [4:6].

«Маҳосин» асарида инсон ҳуқуқлари ҳимояси айнан бу тарзда келтирилмаган. Аллома инсон ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимоясига оид тафсилотларни мисоллар асосида чуқур таҳлил қилган. Асарда инсон манфаатининг ҳимоясига қаратилган «заруриёт» даражасига тааллуқли бўлган беш асосий тушунчани ҳимоя қилиш ва уларга зарар етказиш ҳолатларини бартараф этишга доир назарий асослар мавжуд.



Қаффол Шоший «заруриёт» даражасидаги мақсадларга «қуллиёт ал-ҳамс» мавзусини ёритиш асносида ишора қилади, лекин у ўз қарашларини кейинчалик Имом Жувайний [5:923], Имом Ғаззолий [10:328] томонидан қўлланилган истилоҳлардан бошқа иборалар билан ифодалайди. Алломанинг қуйидаги фикри шариатда жиноят ва жазо масаласи асосида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ зарурий чегаралар белгилаб олинганини асослайди: «Агар бирор кишининг зиммасига жазо вожиб бўлса... бу инсонларнинг жони (нафси), мол-мулки, қони ва фаржларини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади» [8:506].

Бу борада Қаффол Шоший фикрларининг тарққиёти ва кейинги давр уламолари қарашларига таъсирини аниқлаш учун алломанинг юқорида келтирилган фикридаги «...фаржларнинг муҳофазаси» мазмунига эътиборни қаратиш лозим. Маълумки, насл ҳимояси ислом ҳуқуқи ўз олдига қўйган зарурий беш мақсаддан бири ҳисобланади. Омирий ўзининг зарурий мақсадлар назариясини изоҳлашдаги уринишларида «ахлоқ қоидаларини бузганлик учун бериладиган жазо» асосида наслнинг ҳимоясини изоҳлайди. Имом Жувайний эса, Омирийнинг жазолар ҳақидаги қарашларини янада ривожлантириб «муҳофаза қилиш назарияси»га асос солади. Омирий қарашларида «ахлоқ қоидаларини бузганлик учун бериладиган жазо» асосида насл ҳимояланган бўлса, Имом Жувайнийда Қаффол Шошийнинг «...фаржларнинг муҳофазаси» мазмунида ифода этилган қарашларига ҳамоҳанг тарзда «инсоннинг жинсий аъзолари муҳофазаси» шариатнинг мақсади сифатида ёритиб берилган. Бевосита наслнинг ҳимояси ислом ҳуқуқининг «заруриёт» даражасидаги

мақсади эканлиги биринчи бўлиб Абу Ҳомид Ғаззолий томонидан истъомолга киритилган. Имом Шотибий эса, бу масалада имом Ғаззолий қарашларига эргашади [4:21].

Шунга қарамасдан Қаффол Шоший асарнинг бир қанча жойида зинога белгиланган жазодан мақсад насл-насабнинг ҳимояси эканига урғу беради: «Тақиқланган жинсий яқинлик йўли билан наслни булғаш ҳолати мавжуд бўлгани учун зинокорга жазо беришга эътибор қаратилган» [8:156]. «Зинокорга бериладиган жазо... бу ишда қавм-у қариндошчиликка путур етадиган даражада насабларнинг аралашиб кетишини олдини олиш мақсадида белгиланган» [8:550].

«Маҳосин» асарида инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси борасида келтирилган қарашларни шариат ҳимоя қиладиган беш тушунча асосида очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Эътиқод эркинлиги масаласида, ислом динини қабул қилишга мажбурлашдан қайтарилади, чунки ислом дини бошқаларнинг эътиқод эркинлигини таъминлайди. Имом Қаффол Шоший бу ўринда ўзининг устози Муҳаммад ибн Жарир Табарийдан таъсирланган бўлиши мумкин. Аллоҳ таолонинг «Динга мажбурлаш йўқ» [9:42] мазмунидаги ояти Имом Табарий томонидан қуйидагича тафсир қилинган: «Бу оят асосида, жия солиғини адо қилишни ўз зиммасига олган ва ислом ҳукмларига рози бўлган бирор ғайридинни ислом динини қабул қилишга мажбур қилинмайди» [8:350]. Алломанинг бу борадаги қарашлари имом Табарий қарашларига тўлиқ мос келади.

Қаффол Шоший айтади: «Инсон ҳаётига тажовуз қилиш барча шариатларда тақиқлангандир...» [8:545].

Инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, инсоннинг яшаш ҳуқуқи риоясини амалга ошириш жамият ва шахсга зарар етишини олдини олиш орқали амалга оширилади. Бу борада Қаффол Шоший: «Ушбу (инсонлар ҳаётини муҳофаза қилиш) борасида келган далиллар кўпдир. Бу ақлга ҳам мувофиқ бўлиб, Аллоҳ таоло инсонга ўз ҳаётини асраши керак эканини ақлий ва нақлий далиллар асосида вожиб қилган. Шунингдек, бошқаларнинг ҳаётини асрашлик ҳам вожибдир» [8:379].

Инсон аввало ҳаётини ўзи асраши лозим экани аллома фикрларида ўз аксини топган.

Масалан, инсон муносиб тарзда ҳаёт кечириши учун пок таомларни тановул қилиши, рухсат этилган ичимликларни истъомол қилиши мубоҳ амал ҳисобланади. Қаффол Шоший асарнинг «Таом ва ичимликлар» бўлимида шундай ёзади: «Аллоҳ таоло инсонларга чорва ҳайвонлари, қушлар, шунингдек қаддиларини тик тутиб юришларида зарур бўладиган турли хил манфаатларни бўйсундириб қўйди» [8:213].

Муаллифнинг наздида уйланиш ва ҳалол йўл билан насл қолдириш ҳам инсониятни асраш йўлидаги хатти-ҳаракат ҳисобланади. Қаффол Шоший бу борада шундай ёзади «Эркак ва аёллар ўзаро никоҳ орқали наслини давом эттириши учун инсон зоти шахватларга мойил қилиб яратилган» [8:304]; «Дунё борлигининг асоси ҳисобланган насл орқали кўпайиш Аллоҳ таоло белгилаб қўйган қазои қадарга кўра амалга ошаверади» [8:380].

Олим инсоннинг кийим-кечакларга бўлган заруратини ҳам ҳаётни сақлашга қаратилган ҳаракат сифатида баҳолайди: «Либос борасида баданларни асрашлик зарурий маъно эканини келтириб ўтдик» [8:235].

Қасддан одам ўлдириш жинояти учун ислом шариатида қасос жазо чорасининг белгиланган экани, алломанинг наздида инсон ҳаётининг дахлсиз эканини англатади. Бу жиноятга нисбатан оғир жазо чорасининг белгилангани шариат инсон ҳаётини шаксиз муҳофаза этишини билдиради: «Қасоснинг ҳикмати шундаки, дарҳақиқат бировни ўлдиришга қасд қилган киши агар қотилликни амалга ошириш натижасида ўзи ҳам қатл этилишини ўйлаб кўрса, бу ниятидан қайтади. Айнан шу жиҳатидан қасосда ҳаёт бор деб эътироф этилади» [556].

Ислом динида ҳар бир бола ўзининг насли-насабини билиш ва қонуний оилада дунёга келиш ҳуқуқига эга. Шариатда наслнинг ҳимояси зинога нисбатан белгиланган жазо чорасида ўз аксини топади. Бу борада алломанинг фикри қуйидагича: «Насабнинг туб маъноси зино никоҳ мақомида бўла олмаслигидир, чунки у (зино) билан насаб собит бўлмайди. Агарда зино никоҳдек қабул қилиниб, насаб собит бўлганда эди, насаблар аралашиб кетган бўлар эди. Натижада яқин ва узоқ қариндошчилик орасини ажратиб бўлмасди, бу ҳолат никоҳи ҳаром бўлган яқин қариндошларнинг ўзаро

ковушишларига олиб келади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло қариндошчиликни насаб ва никоҳ билан собит қилди, зино йўли билан эмас» [8:288].

«Ақл Аллоҳ бандаларига берган неъматларнинг энг улуғидир» [8:218]. «Оламдага мавжудотларнинг энг шарафлиси асли хор тупроқдан яратилган инсондир. Аллоҳ таоло уларга шариат кўрсатмасига кўра ибодат қилишлари учун керак бўладиган икки нарса нутқ ва ақлни бериб уларни азиз ва мукаррам қилди. Шу сабабли ҳам бу неъматлар учун шукр қилишга буюрилдилар» [8:104].

Қаффол Шоший ақлни сархуш қилувчи нарсаларнинг ҳукмини баён қилиб шундай ёзади: «Маст қилувчи ва ундан бошқа ақлни кетказувчи нарсаларнинг барчаси ҳаромдир», шунингдек буларни ҳаром қилинишлиги сабабини баён қилиб аллома давом этади: «Хамр аслида ҳалол эди, лекин, ўзаро нафрат ва адоватни юзага келтиргани, Аллоҳнинг зикри ва намоздан тўсиб қўйиш каби ёмон оқибатларга олиб келгани сабабли ҳаром қилинди».

Аллома бу ҳақида яна шундай ёзади: «Маст қилувчи ва ундан бошқа ақлни кетказувчи нарсаларнинг барчаси нопок бўлгани сабабли ҳаромдир. Аллоҳ таоло бандаларига энг буюк ҳужжат қилиб берган ақлни кетказиб, натижада унинг ўрнига адоват, нафрат, фисқ ва гуноҳларни келтириб чиқаргани учун ҳам улар ҳаромдир. Ҳаттоки у «уммул хабаис» (нопокликларнинг онаси) деб номланди» [8:224-225], яна: «... хамрда Аллоҳ таоло бандаларига Ўзини танитиш учун инъом қилган энг буюк неъматни (ақлни) кетказадиган бузғунчилик ва офатлар бордир» [8:420].

Ақлни кетказувчи нарсаларни истеъмол қилишга белгиланган жазо чораси ҳақида қуйидагиларни келтиради: «Маст қилувчи нарсани истеъмол қилиш сабабли ўзаро адоват юзага келгани, Аллоҳнинг зикри ва намоздан тўсилиш ҳолати вужудга келгани учун бу қилмишга туҳмат қилувчига белгиланган жазонинг ярми миқдорича жазо белгиланган» [8:555].

«Турли хил нарсаларнинг орасини фарқлашга имкон берувчи қувват бу ақлдир. Бу қувват воситасида инсон ўз динини чуқур ўрганиб, фикр юритади ва Аллоҳнинг махлуқотларидаги ҳикматларни англайди»

[8:33]. «Ақл ҳимояси» тамойили яқин вақтга қадар исломда маст қилувчи моддаларнинг тақиқланганлиги билан чегараланар эди, ҳозир эса бу тушунча ўз ичида «илмий тафаккурни тарғиб қилиш», «илм йўлида саёҳат қилиш», «пода тафаккурини бостириш» ва «ақлий қотиб қолишни бартараф этиш» каби тушунчаларни ҳам мужассамламоқда.

Қаффол Шоший асарнинг учинчи бобида мол-мулклар ва уларни муҳофаза қилиш турлари, шунингдек уларга тааллуқли ҳукмларга китобнинг 160 бетдан кўпроқ қисмини ажратилган. Жумладан, улар орасида қуйидаги фикрлар келтирилган: «Савдо-сотиқ, ижара ва уларнинг бобларидан бўлган мол-мулкка доир муносабатлар заруротлар жумласидан ҳисобланади. Чунки буларга инсонларнинг зарурати бор» [8:39].

Қаффол Шошийнинг «мол-мулк дахлсизлиги», Имом Ғаззолийнинг «мол-мулк ҳимояси», Омирийнинг ўғрилиқ учун жазо ва Имом Жувайнийнинг «сармоя ҳимояси» борасидаги қарашлари бугунги кунда «ижтимоий ёрдам», «иктисодий ривожланиш», «жамиyat фаровонлиги», «табакалар ўртасидаги молиявий тафовутни камайтириш» каби ижтимоий-иктисодий тушунчаларга айланиб улгурди. Бундай тараққиёт аҳолисининг катта қисми мусулмонлардан иборат кўплаб мамлакатларда жуда зарур ҳисобланган иктисодий ўсишни рағбатлантиришга имкон беради. Шу билан бир қаторда сармоя билан боғлиқ масалаларда муқобил исломий ечимларни тақдим этади, бу эса бугунги ривожланган давлатларда ҳам оммабоп ва муваффақиятли экани фикримизни далиллайди.

Шунингдек, Имом Ғаззолий ва Имом Шотибий фикрларига кўра, инсон шаъни ва жонининг ҳимояси зарурат даражасига қўйилган эди. Аммо, бу ёндашувлардан аввал, масалан, Омирий қарашларида ифодаланган «шаънга қарши иш қилиш» (маънавий зарар) учун белгиланган «жазо» ва Жувайний қарашларида шаънни ҳимоя қилиш тушунчалари мавжуд бўлган. Инсон шаъни масаласи ислом дини нозил қилинишидан аввал ҳам араблар маданиятида марказий ўринларни эгаллаган. Ҳадисга кўра, мусулмоннинг қони, моли ва шаънига қарши иш қилиш ҳаром ҳисобланади [2:346]. Лекин, яқин кунлардан бошлаб ислом ҳуқуқига оид

манбаларда «шаън ҳимояси» ибораси ўрнига «инсон кадр-қимматининг ҳимояси» ва ҳатто «инсон ҳуқуқларининг ҳимояси» иборалари ислом ҳуқуқининг мақсади сифатида қўлланила бошлади [4:24].

ХУЛОСА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Траққиёт дастурининг ҳисоботлари назарда тутадиган «инсон тараққиёти» тушунчаси иқтисодий ўсишга қараганда анча кенг қамровли ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг (UNDP) ҳисоботларига кўра, аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган кўплаб мамлакатлар «инсон тараққиёти» индексининг «ривожланган» деб аталадиган даражасидан пастда ҳисобланади. Ушбу индекс, аҳолининг сиёсий фаоллиги, саводхонлиги, таълим олиш ҳуқуқи, умр кўриш давомийлиги, тоза сувдан фойдалана олиш имконияти, бандлик, турмуш даражаси ва гендер тенглиги каби 200 дан ортиқ индекслар ёрдамида ҳисобланади. Шунга қарамай, мусулмон аҳолисининг сони юқори бўлган баъзи давлатлар, хусусан, нефтга бой Араб давлатлари, ўзларининг миллий даромадлари ва гендер тенглиги масаласи орасида «катта тафовутларни» кўрсатишмоқда. Гендер тенглиги аёлларнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги иштироки тушунчаларини ўз ичига олади [4:25].

Ривожланган мамлакатларда яшовчи озчилик мусулмонлар билан бир қаторда, мусулмонлар кўпчиликни ташкил этадиган бир нечта давлатларда «инсон тараққиёти юқори» деб ҳисобланади, масалан, Бруней, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликлари шундай давлатлар жумласидандир. Бирок, мазкур давлатлардаги мусулмон аҳоли сонини умумлаштирганимизда улар дунёдаги барча мусулмонларнинг бир фоиздан камроғини ташкил қилади. Инсон тараққиёти индекслари рўйхатининг пастки қисмида Яман, Нигерия, Мавритания, Жибути, Гамбия, Сенегал, Гвинея, Кот-д'Ивуар (Фил Суяги Соҳили), Мали ва Нигерия ўрин эгаллаган бўлиб, у ерлардаги мусулмон аҳолисининг сони ер юзидаги жами мусулмонларнинг 10 фоизини ташкил қилади [4:26].

«Инсон тараққиёти» бугунги кунда «маслаҳа»нинг яъни, халқ манфаатларининг асосий ифодаси бўлиши лозим. Ушбу мақсаднинг амалга оширилиши ҳозирги илмий стандартларга мувофиқ ҳолда, БМТнинг «инсон тараққиёти мақсадлари» асосида баҳоланиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари соҳасида бўлгани сингари, инсон тараққиёти соҳаси ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари нуқтаи назаридан кўпроқ тадқиқотларни талаб қилади. Ислом ҳуқуқи мақсадларининг Қафғол Шоший нуқтаи назаридан ўрганиш инсоният ривожига олиб боровчи мақсадларга эришиш йўлида ислом дунёсида мустаҳкам замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ал-Мустасфо. – Байрут: Рисола, 1997. Ж. II. – Б. 124.
2. Ал-Бухорий. Ал-Жомий ал-саҳиҳ. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – Ж. I. – Б. 346.
3. Аҳмел ал-Шамсий. The Wisdom of God's Law: Two theories //Islamic Law in Theories. – Leiden-Boston: 2014. – Б. 19.
4. Жассер Ауда. Мақасид ал-шариа. – Лондон: The International Institute of Islamic Thought, 2008. – Б. 5.
5. Имом Жувайний. Ал-Бурҳон фи усул ал-фикҳ. / Абдулазим таҳқиқи. – Қатар: 1979. – Ж. II. – Б. 923.
6. Имом Шотибий. Ал-Мувофақот. – Ар-Риёз: Дор ибн Аффон, 1997. – Ж. II. – Б. 23.
7. Марион Холмз Катц. Prayer in Islamic Thought and Practice. – Кэмбриж: Cambridge University Press, 2013. – Б. 56.
8. Қафғол Шоший. Маҳосин ал-шариа. // Таҳқиқ муаллифи: Али Самак. – Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2007.
9. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Тарж. ва изоҳлар муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Sano-standart, 2021.
10. Ғаззолий. ал-Мустасфо / Муҳаммад Абдуссалом таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1993. – Б. 328.